

БИР ГУРУҲ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА АЙБЛИЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ ҲАЛ ҚИЛМАСДАН ТУРИБ ҲАРАКАТДАН ТУГАТИШГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

З.Қ.Жаббаров*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568293>

Мамлакатимизда сўнги йилларда жиноят-процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгроқ таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек “Тўғри йўлдан адашган фуқаролар ижтимоий реабилитация қилинмоқда, уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун зарур шароитлар яратилмоқда[1].

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 2-моддасида “Ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур. Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий, ҳуқуқий ёки халқаро мақомидан, ушбу ҳудуд мустақилми, васийми, ўз-ўзини идора қиладими ёки бошқача тарзда чекланганлигидан қатъи назар бирор бир айирмачилик бўлмаслиги керак” [2] деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”, деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси Жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади” дея мустаҳкамлаб қўйилган.

Юқоридаги халқаро стандарт қоидаларда ва мамлакатимиз қонунларида шахс жиноят содир этилганлиги сабабли унинг ҳуқуқлари чекланганлигидан қатъи назар бирор бир айирмачилик бўлмаслиги керак эканлиги белгилаб берилган бўлса-да, бироқ бугунги кунда тергов амалиётида айрим ҳолатларда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта бир гуруҳ шахслар биргалашиб содир этган жиноятлар бўйича, айрим иштирокчиларга нисбатан айбилик тўғрисидаги масаласини ҳал қилмасдан туриб жиноят ишини ҳаракатдан тугатилаётгани, айримларига нисбатан эса, айбдор шахс сифатида жиноят иши материаллари судга оширилмоқда. Бунинг асосий сабаби, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси (Айбилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишининг тугатиш учун асослар) 5-қисми 2-бандида “ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса” айбилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмасдан туриб ҳаракатдан тугатиш

*ИИВ Академияси тергов фаолияти кафедраси доценти, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

мумкин эканлиги белгиланган. Шу ўринда савол туғилади, бир гуруҳ шахслар биргалашиб жиноят содир этилган бўлса-ю, аммо уларнинг айримларига нисбатан жиноят ишини тугатиш мумкин-у, айримларига нисбатан жиноят ишини тугатиш мумкин эмас? Бу каби саволлар барчамизни ўйлантириши табиий ҳол албатта.

Тергов амалиётида ҳам мазкур нормани қўллаш амалиёти ҳам турлича эканлигини кузатиш мумкин. Масалан, 2021 йил 24 июль соат тахминан 02 00лар чамасида Қувасой шаҳар, Дўстлик М.Ф.Й, Равон кўчаси 25^а-уйда яшовчи, 02.07.1959 йилда Қувасой шаҳрида туғилган Сарикбаев Нематжон Махамаджанович ўзи ўзига тегишли бўлган, қаймоқрангли, Nexia-1 русумли, 400188EA давлат рақам белгили автомашинасини Фарғона-Қувасой йўналишидаги автомобиль йўлини Дўстлик М.Ф.Йдан ўтган қисмидан Исфайрамсой М.Ф.Й худудига бошқариб келаётган вақтида, уни автомашинасини салоида 4 нафар номаълум шахс бўлган, давлат рақам белгиси аниқланмаган пўлат рангли Nexia-2 русумли автомашина ҳеч бир сабабсиз сиқувга олиб, тўхтатмоқчи бўлганида, фуқаро Н.М.Сарикбаев автомашинасини уларни тақибдан қочиб қутулиш мақсадида, йўлни ўзига нисбатан чап томонидаги, фуқаро Т.Илёсовни яшаш хонадони ёнидаги карьерга олиб тушувчи нотекис шағал йўлга буриб, 200 метр юриб борганида, уни ортидан тақиб қилиб боришиб, карьер четида тўхтатишиб, автомашина салоидаги 4 нафар номаълум шахс пастга тушишиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсишмасдан, ўзларининг безорилик ҳиссиётларини жиловлай олмасдан, бир гуруҳ бўлишгани ҳолда, ҳеч бир сабабсиз фуқаро Н.М.Сарикбаевни автомашинасини олд ойнаси, капоти ва ёритувчи чироқларига тош билан уриб шикаст етказишиб, уни ўзини автомашина салоидан ташқарига олиб тушиб уришиб, унга тан жароҳати етказишган. Мазкур ҳолат юзасидан 24.07.2021 йилда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари олиб борилган. Ўтказилган судга оид тиббий экспертизанинг 27.07.2021 йилдаги №5436-сонли хулосасида, Н.М.Сарикбаевда пешона соҳасини лат еган яраси, чап кўз қовоқларини қонталаш ва кўкрак қафасини шилинмаси аниқланганлиги, ушбу тан жароҳатлари шифохонага (Қувасой шаҳар ТБга 24.07.2021 йил соат 2415да) тушишидан олдин қарорда кўрсатилган ва кўрикдан ўтувчи шахсни кўрсатган вақтида ўтмас қаттиқ чегараланган юзали жисмларни зарб ва ишқаланиши механизми таъсирида юзага келганлиги, аниқланган тан жароҳатлари 6 кундан кўп, аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга соғлиғини бузилишига сабабчи бўлганлиги ва бу белги асосида «Соғлиғини бузилишига сабабчи бўлган енгил» шикастлар тоифасига кириши аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан Иброхимжонов Отабек Илҳомжон юқоридаги ҳолатда фақатгина транспорт воситасини давлат рақам белгисини беркитишда иштирок этганлиги, ўз айбига тўлиқ иқдор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, биринчи бор бундай жиноятни содир этаётганини ҳисобга олиб, жиноят ишини унга нисбатан бўлган қисмини айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмасдан туриб ҳаракатдан тугатишини сўраб ёзган аризасига асосан, жиноят иши туганилган[3].

Тергов амалиётида, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан ҳам айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмасдан туриб жиноят ишини

ҳаракатдан тугатиш ҳолатлари кузатилмоқда. Масалан, 2007 йил 13 апрел куни туҳилган вояга етмаган Д.А. муқаддам 2021 йил 5 декабр куни Олмазор тумани ИИО ФМБ ТБ томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, жиноят иши ЖПКнинг 388-моддасига асосан айбловхулосаси билан туман прокуратурасига юборилган бўлса-да, 2022 йили 19 январь куни соати тахминан 20⁵⁰да ўзининг жиноий шериги вояга етмаган 2008 йил 30 апрелда туғилган А.Б. билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктириб, Олмазор тумани Қора Қамиш 2/1 даҳаси, 1а-уйнинг 5 йўлагида турган фуқаро 1989 йилда туғилган А.З.га тегишли давлат рақами 01G434NB, бўлган “жентра” русумли автомашинани эшиклари очиқ қолганлигидан фойдаланиб, автомашинани олиб қочиб, воқеа жойидан яширинганлар. Сўнг автомашинани бошқариб Қора Қамиш 2/1 даҳаси, 13-уйнинг олдида ўртоқлари А.С. ва Н.Р.лар автомашинага чиқадилар, уларга А.Б. ушбу “жентра”ни олиб қочишганини айтади, сўнг транспорт воситасини А.С. ҳам бошқаради, сўнг Н.Р. ҳам рўлга ўтиради, аммо транспорт воситасини бошқатмайди. Сўнг А.Б. транспорт воситасини бошқариб Беруний метроси олдида, сўнгра эса Сағбон чорраҳаси олдида жойлашган Оқтепа лаваш олдида бориб, А.Б. автомашина бардачогини очиб атирни А.С.га беради ва у чўнтагига атирни солиб олади. Шунда улар 33-сонли поликлиника олдида ППХ ходимларини кўриб транспорт воситасини ташлаб барчаси турли томонга қараб қочиб кетадилар. Мазкур ҳолат юзасидан, жиноят ишини А.Б.га тегишли бўлган қисмини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 7-бандига асосан, А.С.га нисбатан бўлган қисми Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 3-бандига асосан тугатилган ва профилактик ҳисобга қўйиш учун Олмазор тумани ИИО ФМБ ХПБга юборилган. Бироқ, Н.Р. транспорт воситаси олиб қочилаётганлигини била туриб бошқарган бўлса-да, унинг хатти-ҳаракатларида бирор бир жиноят аломатлари йўқлиги сабабли, деб нотўғри баҳолаб жиноят ишини унга тегишли бўлган қисмини ЖПКнинг 83-моддасига асосан тугатилган[4]. Аммо, мазкур жиноят ишини тугатган тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддаси 1-қисми “м”бандиданазарда тугатилган “бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ...” белгиларига эътибор қаратилмаган. Бироқ, ҳақиқатдан ҳам амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси 1-қисми “а”бандида “айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ва жиноятни очилиши учун фаол ёрдам бериш”, шунингдек “ж” бандида “вояга етмаганни жиноят содир этиши” жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида белгиланган. Аммо, амалиётда ҳали иш материаллардаги жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни кўриб чиқиш учун судга олиб чиқилмасидан олдин, тергов органлари томонидан бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмасдан туриб ҳаракатдан тугатиш ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Профессор Г.З.Тўлаганова тўғри таъкидлаганидек, Жиноят-процессуал кодексининг 82-84-моддаларида назарда тугатилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас[5]. Шунингдек, иш бўйича ҳар қандай қарор қабул қилишда, шу жумладан айблов хулосаси ва ҳукмда номақбул далилларга асосланиш мумкин эмас[6].

Шу боисдан, юқоридаги умумий таҳлилрга асосланган ҳолда фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси (Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишининг тугатиш учун асослар) 5-қисми 2-бандида “ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса (бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган ҳолатлар бундан мустасни)” деган янги мазмундаги тўлдиришларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. “Ишонч” газетаси, 2017 йил 21 сентябрь.
2. <https://constitution.uz/uz/pages/humanRights>. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрь.
3. Қувасой шаҳар судининг 304081/2021-225II-сонли жиноят иши материаллари.
4. Олмазор тумани судининг 362801/2022-55IS-сонли жиноят иши материаллари.
5. Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism. Darslik. Mualliflar jamoasi. // y.f.d..prof. G.Z.To'laganova. y.f.n.. dots. S.M.Rahmonovalarning umumiy tahriri ostida. – Toshkent. TDYU, 2017. – B. 180.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3895986>.